O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 18 октябрь, № 204 (4103) Чоршанба

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" кўргазмалар мажмуи яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлди: унинг павильонларидан жой олган халқимизнинг фахр-ифтихори, фаровонлигимиз рамзи — "оқ олтин"имиз дунё саноатчилари кўзини қамаштириб, уларни лол қолдирди.

ПАХТА БОЗОРИ ШАРҚҚА КЎЧМОҚДА

Маълумки, Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ўтган йилнинг октябрь ойида Тошкентда I Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ташкил этилган эди. Орадан йил ўтиб, дунё пахта бозорида унинг бунчалар катта аҳамият касб этишини, рости, кўпчилик, хусусан, Ғарб биржаларидаги корчалонлар ҳам хаёлига келтирмаган бўлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, жиддий ўйлаб кўрилса, жаҳонда пахта экспорти бўйича иккинчи, уни етиштириш бўйича бешинчи ўринни банд этувчи давлатнинг дунё миқёсидаги бозорда, устига-устак олғир даллоллар воситасида ўз маҳсулотини сотиши умуман мантиққа тўғри келмайди. Негаки, бундай жараён дунё пахта бозорида соғлом рақобат муҳитини чеклаб қўйиши турган гап.

Лекин, начора, ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Ярмарканинг ўтган йилги иштирокчилари бу тадбирни анъанага айлантириш мақсадида келаси йилнинг кузида, яъни октябрь ойида Тошкентда яна Халқаро пахта ярмаркасини ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини билдирган эдилар. Ният эса ижобат бўлди.

Биринчи навбатда, ярмарка иштирокчиларини пахта толасининг сифат даражаси қизиқтиради, албатта. Бу борада хорижлик ҳамкорларнинг хавотирланишларига заррача ўрин қолдирилмаган. Чунки, аввало, мутахассисларнинг фикрига қараганда, Ўзбекистон пахта толаси энг яхшиларидан ҳисобланса, иккинчидан, савдога қўйилган маҳсулотлар "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан халқаро стандартларга мос тарзда сертификатланган.

Гап шундаки, марказнинг мавжуд лабораториялари ярим автомат линияда ишлайдиган замонавий "HVI 900 SA" тизимлари билан жиҳозланган. Айнан шундай ўта мукаммал тизим кўпгина пахта етиштирувчи мамлакатларда йўқлиги, шунингдек, Ўзбекистонда қабул қилинган "O'z DST 604: 2001" стандарти барча талабларга жавоб беришини ҳисобга олсак, ўзбек толаси жаҳон бозоридаги харидоргирлигининг сабаби ўз-ўзидан аён бўлади-қўяди. Қолаверса, Юртбошимиз раҳнамолигида бошқа соҳалар қаторида қишлоқ хўжалигида, хусусан, пахтачиликда иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши пахтанинг сифат ва техник хусусиятларини яхшилашга имконият яратди. Бундан ташқари, мамлакатимиз селекционерлари томонидан яратилган "Бухоро-6", "Бухоро-8" "С-6524" "Оқдарё-6" каби узун толали ва катта даромад келтирадиган янги эртапишар навлар амалиётга жорий этилди. Ушбу, ярмаркада мамлакатимиз далаларида айнан ана шу навлардан етиштирилган ҳосилни қайта ишлашдан олинган 500 минг тонна пахта толаси аукцион савдолари орқали сотилади.

Тадбир ташкилотларининг сўзларига қараганда, эндиликда пахта бозори Ғарбдан Шарққа кўчмоқда. Ярмарка савдо секцияларига жаҳон бозорида талаб юқори бўлган ўрта толали, тўртинча тип пахта толасининг қўйилиши эса, айниқса харидорларни анча шошириб қўяди. Чунки бу тола энг асосий кўрсаткич — микронейр бўйича халқаро стандартларга жавоб беради.

— Республика Товар-хомашё биржаси савдо секцияларига қўйилган — 1-сорт, 4-типдаги пахта толасининг бошланғич баҳоси 1110, 1-сорт 5-типдагиси 1095 АҚШ доллари этиб белгиланган, — дейди биз билан суҳбатда 1515- брокерлик идораси брокери Евгений Пишук. — Тўғри, бу нарх-наво, айтайлик, "Ливерпуль" биржасидаги нархдан бироз пастроқ. Бунга сабаб, аввало, бозор тамойилларидан келиб чиқиб, пахта бозорида рақобат муҳитини яратишдир. Иккинчидан эса, юқорида таъкидлаганимдек, бу ҳали бошланғич баҳолигини, савдолар давомида ушбу кўрсаткич сезиларли даражада ўсишини ҳам назардан қочирмаган маъқул.

Ярмарка иштирокчиларидан бири, бангладешлик И. Ҳуссейн анжуман хусусидаги фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этди:

— Пахта экспорти ва импорти компаниямизнинг асосий фаолият турларидан ҳисобланади. Бизнингча, ўзбек пахтасидан олинган толалар жаҳон бозорида жуда қадрланади. Шунинг учун биз уни илгари "учинчи қўл"дан сотиб олардик (кулади). Тошкентда ўтказилаётган II Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бизни, тўғриси, ортиқча сарф-харажатлардан халос қилади. Компаниямизнинг нияти эса битта: у ҳам бўлса, ярмарка давомида кўплаб самарали битимлар тузиш, айни чоғда мамлакатингизда етиштирилаётган пахтанинг барча хусусиятлари билан яқиндан танишиш, энг муҳими, ўзбек пахтасини тўғридан-тўғри, яъни унинг ҳақиқий эгасидан харид қилишдир.

"Яхши меҳмоннинг қадами қутлуғ келади", деган нақл бор. Шу маънода, Тошкентга келган кунимизоқ, Ўзбекистонда бу йил 3 миллион 600 минг тонна пахта хирмони уйилгани ҳақидаги хушхабарни эшитиб, бошимиз осмонга етди. "Ўзбек пахтакорлари ўз пахтаси шарофати туфайли барча эзгу орзуларига эришсин", дея пок ният қилдик.

Тадбир режасига кўра, иштирокчилар пахта хомашёсини қайта ишлаш корхоналари, мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишиш имконига ҳам эга бўладилар.

II Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси очилиш маросимида Республика Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: ярмаркадан лавҳалар.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Маълумот учун айтиш мумкинки, I Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида 30 та давлатдан 169 та компания вакиллари иштирок этган бўлса, жорий йилги тадбирда, пахтамизнинг асосий истеъмолчилари ҳисобланган Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Жанубий Корея, Россия, Италия, Малайзия, Покистон, Индонезия каби давлатларни истисно этганда, дунёнинг енгил саноати ривожланган 36 мамлакатидан 250 дан зиёд хорижий фирма ва компаниялар қатнашмоқда. Улар учун кўргазма давомида павильонларда намойиш этилаётган ўзбек пахта толасининг мингдан ортиқ намуналари билан танишиш, уларнинг сифат даражасини баҳолаш, маҳсулот олдисотдиси бўйича шартнома имзолаш, хатто уни қандай транспорт воситасида етказиб бериш юзасидан битим тузишлари учун барча имкониятлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Парижга қайтгач, гўзал мамлакатингизга иккинчи ташрифим чоғида менга кўрсатилган меҳмондўстлик ва самимий қабул учун Сизга яна бир бор миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларини, айниқса, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида таълим соҳасини ривожлантириш, ҳам моддий, ҳам номоддий маданий меросни асраб-авайлаш ва сақлаш масалаларини Сиз билан муҳокама қилиш имкониятига эга бўлганимдан ғоят бахтиёрман.

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия раҳбари Р.Қосимов билан биргаликда Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолаганимизни мамнуният билан қайд этишга ижозат бергайсиз. Бу Ўзбекистон билан ташкилотимиз ўртасидаги шериклик мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётганидан далолат берибгина қолмай, ЮНЕСКО қамраган соҳалар доирасидаги бўлғуси ҳамкорликдаги ҳаракатларимизнинг асосий йўналишларини ҳам белгилаб беради.

Тошкент Халқаро Вестминстер университети ректори билан биргаликда ЮНЕСКОнинг иқтисодиёт бўйича кафедрасини – ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ўнинчи кафедрасини очиш борасидаги ҳужжатни имзолаганимдан ҳам ғоятда мамнунман.

Ишончим комилки, бизнинг, айниқса, таълим соҳасида, Ўзбекистонда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда тарихий обидалар ва маданий анъаналарни асраб-авайлаш борасида тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлигимиз (ҳар икки йилда бир марта Самарқандда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали сингари тадбирлар) барчанинг таълим олишини таъминлаш ва таълим сифатини оширишга, маданий меросни сақлашга, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришга, институционал қурилишга қаратилган миллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш ишларига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Сиз билан Оролбўйи минтақасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ҳамкорликни изчил давом эттирамиз, деган умиддаман. Мамлакатингиз бу йўналишда катта саъй-ҳаракатлар кўрсатмоқда.

Мамлакатингизнинг янада гуллаб-яшнашини тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

Коичиро МАЦУУРА,
ЮНЕСКО Бош директори.

Жиззахда бадиий гимнастика ва синхрон сузиш билан шуғулланувчилар учун қулай имкониятлар яратилди. Шаҳарнинг қоқ марказида улкан бадиий гимнастика зали барпо этилиб, унинг ёнгинасидаги ёпиқ сув бассейни бутунлай қайта таъмирланиб, спортчилар ихтиёрига топширилди.

Бадиий гимнастика боғчадан бошланади

Ажойиб мажмуани шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактабига топшириш маросими эса ҳақиқий байрамга айланди. Негаки, шу куни бу ерда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган болалар боғчаларининг тарбиячилари, мактабгача таълим муассасаларида бадиий гимнастика ва сузиш машғулотларига мутасадди мураббийлар иштирокидаги 10 кунлик семинар машғулотлари ҳам бошланди.

Семинар ишида қатнашган Республика бадиий гимнастика федерацияси мутахассислари, бадиий гимнастика ва синхрон сузиш бўйича мураббийлар ўғил-қизларни спортнинг бу каби турларига айнан болалар боғчаларидан бошлаб жалб этиш зарурлиги, бу борадаги вазифалар ҳақида мунозара қилдилар. Семинар сўнггида унинг қатнашчиларига махсус сертификатлар топширилди.

Шу куни спорт мажмуига Республика Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова ташриф буюрди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фермерлигимдан фахрланиб кетдим

Президентимизнинг улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритганликлари муносабати билан Ўзбекистон пахтакорларига йўллаган табригини телевизор орқали диққат билан эшитдик. Бу хушхабар барчамизни бирдек қувонтириб юборди. Чунки ҳар қандай деҳқон учун йил бўйи қилган машаққатли меҳнати натижасини шундай ёруғ юз билан кўриши бир байрамдек гап.

Очиғи, биз, пахтакорларнинг бугунгидек юксак маррани забт этишимизга асос бўладиган бир неча омиллар борки, ўрни келганда, шулар ҳақида тўхталиб ўтмасак, инсофдан бўлмас. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида мисли кўрилмаган ислоҳотлар амалга оширилди. Ер адолатли ва ошкора танловлар асосида ўзининг ҳақиқий соҳиблари қўлига топширилди. Лекин бу ҳамма иш тўлиқ деҳқон зиммасига юклаб қўйилди, деган фикрни англатмайди, албатта. Гап шундаки, ерни экишга тайёрлашдан тортиб, етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олгунгача бўлган ҳар бир юмушни бажаришда давлатимиз томонидан зарур шароитлар яратиб берилди. Уруғлик дейсизми, ўғит ёки ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари дейсизми, қўйинги-ки, барча воситалар шундоққина даланинг ўзида муҳайё қилинди. Кўпни кўрган деҳқон сифатида айтишим мумкинки, бу каби тадбир тарихда сира кузатилмаган.

Ушбу оқилона сиёсат амалда қандай натижа берганини эса барча бирдек кўриб, гувоҳ

Муносабат

бўлиб турибди. Масалан, пахта етиштиришда фермерларнинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Зеро, Президентимиз табригида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, бу йилги мавсумда тайёрланган пахта ҳосилининг 85 фоизи ернинг ҳақиқий соҳибларига айланиб бораётган фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди. Юртбошимизнинг бундай ишонч ва юксак эътирофлари фермер сифатида мени, айниқса, руҳлантириб юборди. Фермер бўлганимдан фахрланиб кетдим.

Фикрларим шунчаки қуруқ гап бўлмаслиги учун ўзимиздан келиб чиқиб айта қолай. Дашт ерда деҳқончилик қиламиз. Шундай бўлишига қарамай, бу йилги мавсумнинг дастлабки теримидаёқ белгиланган режанинг 140 фоизи миқдорида "оқ олтин" йиғиштириб олдик. Илк ҳосил-китобларга кўра, ҳосилдорлик 25 центнер ўрнига 35 центнерни ташкил этди. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас, чунки даламиздаги ҳосилнинг чўғи 50 центнерлик маррани бемалол эгаллашимизни кўрсатиб турарди. Кўп ўтмай, режани 200 фоизга уддалашимиз аниқ бўлиб қолди. Ялпи даромадимиз эса 26 миллион сўмдан ошди. Унинг 12 миллион сўми соф фойдадир.

Энди бу маблағни фермер хўжалигимизни ривожлантиришга, қишлоқ ободончилигига сарфламоқчимиз. Юртимиз бугунгидек тинч, ҳаётимиз осуда экан, кўнглимиздаги ана шундай эзгу-мақсадларни рўёбга чиқаришдан асло чарчамаймиз.

Абдушукур МАҲМУДОВ,
Нарпай туманидаги "Абдушукур пахтакор" фермер хўжалиги раҳбари.

Бугуннинг гапи

ИШ ЎРИНЛАРИ ҚАНДАЙ ЙЎҚОТИЛМОҚДА

Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқини ўқиб...

«Ҳозирги вақтда Андижон заминида истиқомат қилаётган қарийб 2 миллион 400 минг аҳолининг 55 фоизи, яъни ярмидан кўпи меҳнатга лаёқатли бўлиб, бу ўз навбатида одамларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда»

Ислом КАРИМОВ.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқини телевидение орқали тинглаб ўтириб, вилоятдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт нақадар аниқ ва ҳаққоний тасвирлаб берилаётгани ўзим гувоҳи бўлган қатор факт ва ҳолатлар мисолида яққол кўз олдимга келди. Хусусан, биринчи навбатда, вилоят раҳбарининг улкан ва улуғ мамлакатнинг ихтиёри ўзига топширилган сўлим бир бўлагида бу ерлик халққа ғамхўрлик қилиш — унинг дарду ҳасратларини эшитиб муаммоларини ҳал этиш, турмушини янада фаровон қилишга етаклаш йўлидаги устувор масалаларни ўйлаш ўрнига майда-чуйда ташвишлар билан банд бўлиб қолгани айни ҳақиқат эди. Ўзи кўриб кўрмаганга олиб, етилган муаммоларни ҳал қилмаганидан ташқари, бу камчилик ва нуқсонлар матбуотда кўрсатилган тақдирда ҳам, уларни бартараф этиш ўрнига қорани оқ деб кўрсатишга уринишдек майда хатти-ҳаракатлар, ҳақиқатан ҳам, бу шахсда вилоятга раҳбарлик иқтидори сустлигидан далолат берарди. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг **«Лекин, шу билан бирга, аввало, шу заминда яшаётган халқнинг дарду ташвишларидан доимо хабардор бўлиб, кундалик ҳаётда учрайдиган норозилик ва эътирозлардан хулоса чиқариб, бир сўз билан айтганда, одамларнинг кайфияти ва интилишларини инобатга олган ҳолда сиёсат олиб бориш, аҳоли томонидан кўтарилаётган муаммоларни ечиш, агарки уларни ҳал этиш қўлидан келмаса, бу масалаларни марказий ҳукумат олдига қўйиш ва охирига етказиш — бу кимнинг вазифаси?»** деган талаби айни ҳақиқат эди.

Ҳа, бу муаммолардан бир чимдими ўтган йили «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган «Хомталаш» (2005 йил, 23 декабрь) сарлавҳали мақолада газетхонлар ва мутасаддилар эътиборига ҳавола қилинган эди. Маълумки, ҳалқни, ўз фуқароларини иш билан таъминлаш азал-азалдан ҳар бир давлат олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу ўринда савол туғилади: барча вилоятлар ҳокимлари бажариши лозим бўлган ишни ҳам нега Президент бажариши керак? Шу маънода, юртимизнинг аҳоли, айниқса, зич жойлашган ҳудуди — Андижон вилоятида фуқароларни иш билан таъминлаш масаласи икки карра кўпроқ аҳамият касб этади. Иш, аввало, тирикчилик, рўзғор тебратиш воситаси. Қолаверса, бекордан худо безор. Ҳамма бемазагарчилик ишсизликдан туғилади. Бемазагарчиликдан эса аксарият ҳолларда жиноят келиб чиқади. Ҳолбуки, Андижонда айрим тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан очилган фирмалар ва республика ҳукумати томонидан раҳнамолик қилинган қўшма корхоналар янги иш ўринлари яратганини ҳисобга олмаганда, бевосита вилоят раҳбарияти саъй-ҳаракати билан очилган иш ўринлари, дадил айтиш мумкинки, талаб ва эҳтиёждан жуда орқада. Саккизта янги иш ўрни очилса жар соламиз, лекин турли сабаб ва йўллар билан йўқотилаётган юзлаб, минглаб иш ўринлари — енг ичида, ломмим дейилмайди. Десанг, раҳмат ўрнига оғзингга уришга чоғланишади. Андижондагига ўхшаб. Бу ҳол айниқса вилоят раҳбари иштирокида бўлса, аянчли.

(Давоми 2-бетда).

Обуна — 2007

ЭНГ ТЕЗКОР ВА ҲОЗИРЖАВОБ

«Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради»

Ҳурматли муштарий! Юқоридаги сўзлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қабул қилган, Сенат маъқуллаган, Президент имзолаган қонунларимизнинг сўнгги моддасида ёзиб қўйилишини яхши биласиз.

Расмий эълон эса, биринчи бўлиб **«Халқ сўзи»** ва **«Народное слово»** газеталарида, ўқувчига қулай бўлиши учун китобча шаклида, амалга оширилади.

Ҳуқуқий давлатда яшаётган эканмиз, қонунларсиз олға қадам ташлолмаслигимиз турган гап.

Айни пайтда бизнинг газета ҳафта мобайнида ҳар куни (якшанба ва душанбадан ташқари) чоп этиладиган даврий нашрдир. Жаҳондаги энг муҳим воқеалар, депутатлар ва сенаторлар фаолияти, юртимиздаги ибратли ишлар, эзгу ташаббуслар ҳақида энг тезкор ва ҳозиржавоб мақолаларни ўзбек ва рус тилларида фақат ва фақат «Халқ сўзи» ҳамда «Народное слово» саҳифаларида ўқишингиз мумкин.

Фақат ўз вақтида расмийлаштирилган обуна ушбу нашрларни мунтазам олишингизга кафолат беради.

Бугунги давр талабларига жавоб берадиган, корхона ва ташкилотларнинг юксак савияли раҳбарлари обуна масаласини ҳозирдан ҳал этмоқдалар.

КЕЧИККАН АРМОНДА ҚОЛАДИ, ШУНИ УНУТМАНГ!

Битта гап

Цезарий РУДЖИНЬСКИ,
польшалик таниқли журналист:

— Ўзбекистон сайёҳлик борасида улкан имкониятларга эга. Юртингиз жуда гўзал, яхши сақланаётган ва қайта тикланаётган тарихий обидаларга эга ажойиб мамлакат. Қолаверса, ўзбек диёрининг ниҳоятда мафтункор табиати, очиққўнгил, самимий одамлари бор.

Парламент ҳаёти

Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида Қонунчилик палатаси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар қаторида "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган эди.

ҚОНУН ТАДБИРКОР ТАРАФ

Матбуотда 11 октябрда эълон қилинган ушбу Қонун, айтиш жоизки, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солади ҳамда уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда бир хил ёндошишни, тадбиркорлик фаолиятини асоссиз чегаралашга йўл қўймасликни таъминлайди. Бу ҳақда батафсил маълумотга эга бўлиш мақсадида парламент юқори палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Ғ. АЛИЕВга мурожаат қилдик.

— Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий юксалишида энг муҳим омиллардан бири бўлиб келган, — дейди Ғ. Алиев. — Мамлакатимизда ҳам айнан ушбу соҳага катта эътибор қаратилган ва қаратилмоқда. Чунки қайсики юртда ишбилармон, тадбиркорлар кўп бўлса, бозорлар тўкин бўлади, халқ тўқ, фаровон яшайди. Мамлакат иқтисоди юксалгандан юксалади.

Ҳозирда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида Президентимиз ташаббуслари билан қатор қонунлар, фармонлар ва қарорлар қабул қилинмоқда. Улар асосида эса тадбиркорликни ривожлантиришнинг жаҳон талабларига мос ҳуқуқий негизлари яратилмоқда ва бу жараён босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ушбу жараённинг мантиқий давоми бўлган "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эса мамлакатимизнинг 32 та қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади.

Ушбу Қонун мамлакатимизнинг 32 та қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади

Ушбу Қонуннинг аҳамияти давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялаш тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. У тадбиркор билан давлат назорати органлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Содда қилиб айтганда, унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниб олган тадбиркор энди назоратчи билан бемалол "қонун тили"да гаплаша олади.

Қонундаги энг муҳим жиҳатлардан бири — бу тадбиркорлик субъектларига фақат суд орқали қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқий таъсир чоралари доирасининг белгиланишидир. Зеро, ҳуқуқий таъсир чоралари қўллашнинг судлар ихтиёрига берилиши тадбиркорлар фаолияти манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишида муҳим аҳамият касб этади. Амалиётдан маълумки, назорат қилувчи орган вакили ишнинг судда кўриб чиқилишини ўйлаб, қонун доирасидан четга чиқмаган ҳолда ҳақиқий айбдорни аниқлаш ҳақида бош қотириб, пухта ҳужжатлар тайёрласа, тадбиркор судда тарафларнинг тенг ҳуқуқлиги ва тортишув тамойиллари мавжудлигини билиб, бу имкониятдан фойдаланишга уринади. Бу эса ўз-ўзидан ҳуқуқий саводхонликни юзага келтиради.

Мазкур ҳужжатда шунингдек, "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги, "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги, "Юридик шахсларнинг қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиги тўғрисида"ги, "Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида"ги Қонунларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги фармонларига мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Унга кўра эндиликда айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслардан уларнинг мансабдор шахслари зиммасига юкланиб, молиявий жарималар миқдорлари камайтирилади. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларидан қўшимча ҳисоблаб ёзилган солиқлар, йиғимлар, мажбурий тўловлар ва молиявий жарималарнинг жами йиғиндиси (яъни, суммаси) тадбиркорнинг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг 20 фоизидан ортиқ миқдорда бўлса, жарима ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой давомида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилади.

"Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида"ги Қонун эса тадбиркорлик субъекти томонидан ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарздорлик суммасига пеня ҳисобланмаслиги ҳамда унинг миқдори тадбиркорлик субъектининг тегишли солиқ ва йиғимлар бўйича қарздорлиги суммасидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қўшимча билан тўлдирилаяпти. Унда тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, муҳими, қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш белгиланмоқда. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўламагани ҳақидаги материаллари суд органларига топширилган ҳолатда, улар етказилган зарарнинг ўрнини бир ой муддатда ихтиёрий қопласа ҳамда унинг оқибатларини бартараф этса, молиявий санкциялардан озод этилади. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан эса божхона қонунчилиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барча турлари учун бир хил жавобгарлик чораларини белгилайдиган моддаси чиқариб ташланди. Унинг ўрнига ҳар бир ҳуқуқбузарликни аниқ кўрсатиб, унинг моҳияти ва оқибатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари белгиланишини назарда тутувчи моддалар киритилди.

Яна бир гап. Бугун тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларининг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимояси тўла таъминланмоқда. Бу борада айниқса, юқорида қайд этилган янги Қонуннинг кучга кирганлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган соҳа вакилларига шундай ҳуқуқий замин яратилаётган экан, ўз навбатида улар ҳам юрт иқтисодиёти равнақи йўлида эмин-эркин меҳнат қиладилар. Зеро, бунинг учун бизда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи имтиёз ва кафолатлар тизими яратилган.

Зиёда АШУРОВА ёзиб олди.

Учсойдаги уч қувонч

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманининг Учсой овулида учта қувончли воқеа юз берди.

Авваламбор, ҳомийлар ёрдамида қишлоқ врачлик маскани энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди, атрофи ободонлаштирилди. Иккинчидан, овулда 90 ўринли ажойиб болалар боғчаси қад тиклади. Лойиҳа-смета қиймати 180 миллион сўм бўлган бу қурилишга ҳомийлар ҳам муносиб улуш қўшдилар.

— Учсойдаги учинчи қувончли воқеа шундан иборатки, — дейди овул фуқаролар йиғини раиса-си Бибигул Ержонова. — Қўрғонимизга ўн уч ярим километрдан ичимлик сув қувури тортиб келинди. Бу қишлоғимиз оналари ва болалари соғлиғини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади!

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Муқобил энергия — қўшимча имконият

Урганч шаҳридаги 35-маҳаллада уй-жойларни иситиш тармоқларини такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган мажлислардан бирида шаҳар ҳокими бу йил қиш қаттиқ келиши ва газ таъминотида етишмовчилик бўлиши мумкинлиги ҳақида гапираркан, "Қўлбола иситиш ускуналарини қура оладиган бирор уста борми?" деб сўради. Шунда йиғилганлар орасидан бир киши ўрнидан туриб, яқиндагина уйида ўтин ва кўмирга мослаштирилган печка қурганини айтди. Бу гапдан мамнун бўлган раҳбар унга икки-уч нафар шогирд тайёрлаб, барча хонадонларда ана шундай печкаларни қуриш юзасидан топшириқ берди.

ҚУЁШ НУРИДАН ИСИЙДИГАН УЙ

Мажлисда ўтирганлар бу "янгилик"ни эшитиб, бир зум жим қолишди. Ҳатто қариялардан бири "Ҳа, энди, бу элга келган тўй. Бошга тушганини кўз кўради-да", деб қўйди. Очиғи, ўша маҳалда, «Наҳотки, бу ортга қайтиш бўлса?» деган ҳақли савол биргина менинг эмас, балки кўпларнинг кўнглидан ҳам ўтган бўлса, ажаб эмас. Ахир замонавий технологиялар асрида яшаётган бўлсак. Бугунги кунда кўмир ва ўтин билан иситиш усулидан яна фойдаланиш ҳар қандай кишини ҳам ҳайрон қолдиради-да. Лекин гап бошқа ёқда экан.

Халқимизда "Қиш ғамини ёзда е" деган пурмаъно ҳикмат бор. Маҳалламиз аҳли ҳам ана шу ақидага амал қилиб, мажлисдан кейин уйларига қўлбола печкаларни қура бошлашди. Ёз бўйи тунукачиларнинг қўли-қўлига тегмади. Қишлоқ жойларида эса бундай печкаларни ўрнатишганига анча бўлди. Аслида ҳанг вазиятдан чиқа олишни билиш, шукрона айтиш ҳам яхши фазилат. Чунки қўл қовуштириб ўтириш билан иш битмайди-да.

Яқинда Германиянинг машҳур "Deutschland" журналида уйларни қуёш энергияси ёрдамида иситиш технологияси ҳақидаги мақолани ўқидим. Унда бу турдаги энергиядан фойдаланиш дунёнинг кўплаб мамлакатларида, айниқса, Германияда аллақачон урф бўлгани таъкидланган, бу иқтисодий жиҳатдан тежамкорлик эканлиги айтиб ўтилган эди. Мутахассисларнинг маълумотига кўра, Германияда 2003 йилда қуёш нуридан унумли фойдаланиш натижасида ҳавонинг заҳарланиши 19 фоизга қисқарган. 2025 йилга келиб эса, ушбу мамлакатда қуёш энергияси ёрдамида уйларни иситиш туфайли зарарли кимёвий моддаларнинг ҳавога тарқалиши 95 миллион тоннага камайиши кутилмоқда. Чунки ҳозир ана шундай экологик тоза энергия ҳосил қилувчи қурилмалар тайёрлайдиган бешта корхона ишлаб турибди.

Иморатларнинг томига жойлаштириладиган ана шу мосламалар булутли кунларда ҳам, кечалари ҳам ишлаш имкониятига эга. Иссиқ кунлари жуда оз бўладиган Германияда экологик тоза энергияни ривожлантиришга шундай аҳамият берилаётган экан, бу бизнинг йил бўйи қуёш чарақлаб турадиган юртимизда ҳам шундай усулдан кенг фойдаланиш имконияти борлигидан далолат бермайдими?

Аслида, биз учун бундай иситиш тизими янгилик эмас. Чунки яқин ўтмишга назар солсак, шаҳарсозларимиз бундан ўттиз йилча муқаддам Урганч шаҳридаги кўп қаватли уйлардан бирига қуёш нуридан қувват оладиган иссиқлик батереялари ўрнатилгани, дастлабки йилларда у самарали ишлагани тўғрисида гапиришади. Афсуски, ишлаб чиқариш ва мутахассисларнинг йўқлиги туфайли ушбу янгилик оммалашмай қолган.

Маълумотларга қарагандa, водороднинг гелийга айланиши натижасида қуёшнинг марказий майдонида иссиқлик 15 миллион даражага етаркан. Ергача етиб келадиган қуёш энергиясининг қувват оралиғи эса 150 миллион километрни ташкил этади. Устига-устак, қуёшнинг 4 миллиард йилга етгулик бой захираси мавжуд.

Шунингдек, шамол энергиясидан ҳам аждодларимиз асрлар давомида унумли фойдаланиб келишган. Қадимий Шарқда тепаликларга сув чиқариш мосламалари, тегирмонлар шамол ёрдамида ишлатилган. Денгизчилар унинг сокин кучидан фойдаланиб, кемаларида йиллар давомида дунё кезишган.

Айни вақтда Германия қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланишда жаҳонда биринчи ўринда туради. Бу мамлакатда 15.380 та шамол энергияси қурилмалари ишлаяпти. Ўтган йили биргина ушбу мосламалар ишлаб чиқаришдан олинган даромад 5 миллиард еврони ташкил қилди. Ҳозир мазкур соҳада 40 минг киши меҳнат қилаяпти. Испания ва Америка Қўшма Штатлари эса бу борада Германиядан кейин иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллайди.

Табиий ресурслар — нефть, газ маҳсулотлари захираси йиллар ўтиши билан, албатта, тугашини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам ноанъанавий — қуёш, шамол, сув энергияларидан фойдаланишни ҳаётга татбиқ этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Хусусан, қуёш нуридан яратиладиган энергия ёрдамида қишлоқ хўжалиги, саноат, тиббиёт, таълим ва фан соҳаларида қанчадан-қанча ютуқ ва муваффақиятларга эришиш мумкин. Бу борада Германия мутахассисларининг тажрибаларини ўзлаштириш мақсадга мувофиқ, назаримда. Эҳтимол, дастлабки йилларда қўшма корхоналар қуриш йўлга қўйилар. Шунда ўз-ўзидан янги иш ўринлари ҳам яратилади.

Дилбар БЕКЖОНОВА.

Иш ўринлари қандай йўқотилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳа, юқорида эслатилган мақола айни шу мавзуга бағишланди. Факт шуки, ҳар бирида юз нафарнинг нари-берисида ишчи-хизматчи ишлаётган бешта қурилиш ташкилоти Ҳукумат қарорини паноҳ қилиб «иқтисодий ночор, паст ликвидли, зарар кўриб ишлаётган корхона» сифатида тендер савдолари орқали қариндошуруғ ва ошна-оғайниларга ноль қийматда — бепул бериб юборишдан сақлаб қолинди. Улар барчаси иқтисодий салоҳиятли, жами 500 нафарга яқин одам ишлаётган, яъни 500 хонадоннинг қозонини қайнатаётган қурилиш ташкилотлари эди ва... шундайлигича қолди. Бунгача эса, вилоят ҳокими газетада раддия чиқаришга «ёрдам бериш»ни сўраб... Давлат мулк қўмитаси раисига мурожаат қилибди. Ким кимдан ёрдам сўраяпти?! Раддия унга ёзилган раддия билан қўшиб «Фатво топиш шунча осонми?» («Халқ сўзи», 2006 йил, 24 февраль) сарлавҳаси остида эълон қилинди. Афсуски, вилоят тендер комиссиясининг раиси — вилоят ҳокими, юқоридаги ташкилотлар «бепул сотилган» тендер савдоси ноқонуний ўтказилгани сабабли хўжалик ва фуқаролик судлари томонидан бекор қилинганидан кейин ҳам, қўяқолмади: вилоят газетасида тендер комиссиясининг ўша объектлар янгидан тендер савдоларига қўйилгани ҳақида эълон чиқди ва «Халқ сўзи»да унга «Тамал зўрми, амал?» (2006 йил, 23 июнь) мақоласи билан муносабат билдирилганидан кейин эълон эълонлигича қолди, тендер савдоси ўтказилмади...

Вилоят раҳбари шунча саъй-ҳаракатни янги иш ўринлари яратиш каби фойдали ишга сарфласа қандай яхши бўларди. Йўқ, афсуски, вилоятда бунинг акси бўлмиш хатти-ҳаракатлар давом этди. Бу ҳақда Президентимиз нутқида ҳам афсус-надомат билан айтилди: **«Вилоятда ким қандай яшаяпти, ҳар қайси оилада қанча одам ишлайди, қанчаси иш тополмаяпти, улар рўзғорини қандай тебратяпти — ҳаётнинг ўзи талаб қиладиган бундай ўткир саволларни кун тартибига қўйиш ва уларга жавоб топиш устида, афсуски, мутасадди раҳбарлар йиллар давомида бош қотирмасдан келган».**

«Аксинча, мана шу муҳим масалаларга масъул раҳбарлар эса фақат ўз манфаатини ўйлаб, етти пуштига етадиган бойлик ва мол-дунё тўплашга берилиб кетган»лиги оқибатида одамларни иш билан таъминлаш ўрнига ишсизлар сафи тобора кўпайишига олиб келинди. Бунга эса, асосан, туппа-тузук ишлаб турган катта-катта корхоналарнинг йирик акциядор тасарруфига — хўжайинлигига ўтганидан кейин тақа-тақ тўхташи, ноқонуний тендер савдолари, суньий банкротлик орқали «эришилмоқда». Олдиндан айтиб қўяй, ўлиб ётган корхонани «тирилтириш» мақсадида уни инвесторга бепул бериш ҳам, зарар келтиришдан бошқага ярамайдиган корхона-ташкилотни банкрот қилиш ҳам — табиий ҳолат, бозор иқтисодининг долзарб талаби. Гап мана шу тушунчалар паноҳида бажарилаётган виждонсиз, инсофсиз хатти-ҳаракатлар ҳақида. Масалан, Андижоннинг Пахтаобод туманидаги 59-автокорхонанинг 100 дан ортиқ ишчи-хизматчиси имзо чеккан шикоят хатини таҳририятга олиб келган киши «газетангизда «Хомталаш» мақоласи чиққандан кейин Андижон халқининг (албатта, у биринчи навбатда ўз жамоаси кишиларини назарда тутган — Ҳ.О.) руҳиятида бир кўтарилиш бўлди» деган гапни айтди. Кўтарилишки, мана, камчилик-нуқсонлар газетада эълон қилинаяпти, демак, бундан ҳамма хабардор, булар тузатилади, деганни тушундик. Автокорхона эса суньий банкрот қилингани ҳақиқатга яқин. Чунки, уни банкрот деб топиш бўйича вилоят хўжалик суди мажлисида иштирок этган прокурор «бу автокорхонанинг тўлов қобилияти бор экан, дебитор қарзларини ундиришга ёрдам бериш керак» деганига, автокорхона мутасаддиларининг «178 одамни ишсиз қолдирманглар, биз бемалол қарзимизни узамиз, кучимиз етади» деган илтижосига қарамай, суд уни банкрот деб эълон қилган. Ҳолбуки, автокорхонанинг дебитор қарзи кредитор қарзидан ортиқ эди ва ана шу қарз ундирилса ҳам ўзини ўнглаб олишига етарли эди. Суд, вилоят ҳокимлигининг банкротликка баъзилари сохта бўлган ҳужжатлар тайёрлаган бўлинмаси кузатувчисининг хоҳишини бажаришга шошилиш ўрнига прокуратура билан ҳамкорликда корхонанинг дебитор қарзларини ундиришга кўмаклашганида... бошқасини қўяверингу, 178 нафар одам кўчада қолмаган, кейин улардан бири иш излаб Россияга кетиб мурдаси қайтиб келмаган ва тўрт норасида фарзандлар етим қолмаган бўларди...

Шу ўринда, вилоят хўжалик суди баъзи судьяларининг юқоридагига ўхшаш низоли ишларни кўраётганда «вилоятнинг юзи»ни қилибми, бошқа сабабми, қонунийлик ва адолат тамойилларидан чекиниши ҳоллари мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бунақа ишларнинг аксарияти эса Олий хўжалик судида аксинча — қонуний ечимини топмоқда. Мисоллар етарлича. Бу бошқа мавзу.

Истардикки, навбатдан ташқари сессияда Президентимиз сўзлаган нутқ барчамизни мулоҳазага чорласа, айримлар учун йўл қўйган хатоларни, ҳаракат ва ҳаракатсизликларни такрорламасликка сабоқ бўлса — умум тараққиётимиз янада илдамроқ суръат олиши, шубҳасиз.

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, «Халқ сўзи»нинг ҳуқуқий масалалар бўйича шарҳловчиси.

МАДАНИЯТ янгиликлари

Илмий-амалий анжуман

Республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик марказида "Бадиий ҳаваскорлик жамоалари репертуарларининг ҳозирги кундаги аҳволи" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда бадиий ҳаваскорлик жамоалари раҳбарлари, мусиқашунослар ва шоирлар иштирок этишди.

Анжуманда сўзга чиққан Республика Халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Ў.Тошматов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Т.Маҳмудов, драматург Ҳ. Расул ва бошқалар бугунги кунда бадиий ҳаваскорлик жамоалари ҳамда хонандаларнинг репертуарларини мазмунан бойитиш учун мумтоз ҳамда замонавий мусиқий асарлардан фойдаланиш йўллари ҳақида фикрлар билдиришди.

Дўстлик байрами

Куни кеча Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳиндистонлик ва юртимизнинг таниқли санъаткорлари иштирокида катта концерт дастури уюштирилди.

Икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва биродарликни тараннум этувчи мазкур тадбирга ҳинд халқининг машҳур мусиқа гуруҳлари ташриф буюрдилар.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б.Сайфуллаев сўзга чиқиб, давлатлараро маданий алоқаларнинг умрбоқийлигини таъкидлади.

– Халқингиз шу даражада кўнгли очиқ ва меҳнатсеварки, бу ўлкага қилган сафаримни бир умр ёдимдан чиқармайман, – дейди таниқли ҳинд мусиқачиси Падмини Рой. – Она тупроғингизга қадам босиб, ўзбек халқи менинг элим билан ҳар соҳада жуда яқинлигини дилдан ҳис этдим.

Икки элнинг дўстлик байрамига айланиб кетган бундай учрашувлар халқимиз урф-одатлари, анъаналари, тарихий меросимизни дунёга кенг ёйишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мазмунли ҳордиқ учун

Юртимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирлар аҳамиятини ошириш, халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш мақсадида клублар ўртасида республика кўрик танлови ўтказилмоқда.

"Энг намунали клуб муассасаси" деб номланган мазкур танловнинг дастлабки босқичлари жойларда бўлиб ўтаяпти. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад – аҳоли дам олиши ва кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун қулай шароитлар яратиш, ёшларни маданият муассасаларига жалб этиш, клублар фаолияти самарадорлигини оширишдир.

Танловнинг республика босқичи яқин кунларда пойтахтимизда бўлиб ўтади.

Тўйга муносиб тўёна

Ҳар бир халқ ўз миллий санъати, қадимий ва анъанавий мероси билан ўзлигини дунёга танитади. Зардўзлик, касаначилик ва миллий либослар бичиш-тикиш санъати ўзбек қизлари, аёлларининг бебаҳо ҳунаридир.

Қашқадарёлик Гулчеҳрахон Примқулова ана шундай қўли гул қизлардан бири. Унинг келин-куёвлар учун атаб тиккан хилма-хил миллий либосларининг эл орасида довруғи достон. Бугунги кунда Гулчеҳрахоннинг олтмиш нафар шогирди эл хизматида.

Зилолахон Маннопова каби шогирд-қизлар Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилей тўйига атаб сувенир-совғалар тайёрлашмоқда. Улар тикаётган зардўзлик ишларининг тури элликдан ошади. Мазкур сувенирлар қаршилик зардўз қизларнинг байрамга муносиб совғасидир.

СУРАТДА: зардўз Зилолахон МАННОПОВА ўзи тайёрлаган ишларни намойиш этмоқда.

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

Мусиқа — дилга малҳам

Мамлакатимиздаги маданият уйлари бадиий жамоалари пахта йиғим-терими муносабати билан жойлардаги маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, "Гулистон" вокал-чолғу дастаси хонанда ва раққосалари Сирдарё вилоятининг Оқолтин, Сайҳунобод, Сардоба туманларида бўлиб, пахтакорларга намунали хизмат кўрсатишди. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси вилоят бўлими ҳамда бадиий ташвиқот гуруҳи эса Гулистондаги мактаб ва боғчаларда концерт берди.

Ана шундай мусиқий-маданий тадбирлар Жиззах вилоятининг Пахтакор, Арнасой, Мирзачўл ва Зарбдор туманлари пахтазорларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Журналистлар, шифокорлар, ҳуқуқшунослардан иборат туманлар ташвиқот гуруҳлари билан ўтаётган учрашувлар пахтакор ва ҳашарчиларда катта қизиқиш уйғотаяпти.

Мухтасар КАРИМОВА, Шоира БОЙМУРОДОВА.

Ислоҳот одимлари

«Когонёғ»: ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЯНГИ ФАСЛИ

Бухорода тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган корхоналар оз эмас. «Когонёғ» ҳиссадорлик жамияти ана шу рўйхатнинг бошида туради. Янгиликка интилиш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар, ички интеллектуал имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланиш жамоа аҳлига обрў келтирмоқда. Буни қуйидаги мисоллар ҳам кўрсатиб турибди.

Маълумки, бу корхона асосан вилоятда етиштирилган техник чигитни қайта ишлаб, халқ истеъмоли моллари ҳамда чорвачилик учун асқотадиган омихта ем тайёрлашга ихтисослаштирилган. У йилига 103-107 минг тонна хомашёни қайта ишлаш қувватига эга.

— Бозор шароитида унинг талабларига мос тарзда ишлаш осон эмас, — дейди жамият раиси Ато Ўлжаев. — Бунинг учун жамоамизнинг ҳар бир аъзоси изланмоқда, янгиликлар яратишга интилаяпти. Изланган эса имкон топаверар экан.

Ато ака бизни чет эл технологиялари асосида қайта реконструкция қилинган цех ва омборхоналар сари бошлади.

Шинамгина қурилган корхонанинг икки қаватли маъмурий биноси ёнидаги маҳобатли дарвозадан ичкарига йўл олдик. Йўл ва майдончалар қайта таъмирланган. Цехлар бир маромда узлуксиз ишлаб турибди.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, 2005 йилнинг 8 ойида корхонада 5.490.797 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 7.304.537 минг сўмни ташкил этиб, белгиланган режа 133,2 фоиз бажарилибди. Ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маошлари эса салкам 150 минг сўмга етибди.

Бугунги кунда корхона нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам муносиб ўрин топаяпти. Бунга маҳсулот тури ва сифати яхшиланиб, уни жаҳон андозаларига мос тарзда ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилаётганлиги туфайли эришилмоқда. Агар бундан 2-3 йил илгари атиги 4-5 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, айни чоғда унинг сони 10 тадан ошиб кетди. Шу давр мобайнида хорижга маҳсулот сотиш ҳажми ҳам 2,5-3 баравар кўпайди. Натижада корхонанинг экспорт режаларини ортиғи билан бажариш имкони яратилди.

Буюртмачилар орасида Ҳамдўстлик мамлакатларининг вакиллари, ҳатто Эрон Ислом Республикаси, Афғонистон, Туркия каби қўшни давлатларнинг вакиллари ҳам борлиги, айниқса, қувонарлидир.

Корхонанинг истеъмол ёғини қадоқлаш цехи француз технологияси асосида қайта жиҳозланганидан сўнг вазият тубдан ўзгарганига гувоҳ бўлдик. Цехда махсус ёрлиқ билан қадоқланган бир, беш литрли пахта ёғига талаб катта. Жорий йилнинг ўтган даврида 501 тонна пахта ёғи доғланиб, пластмасса идишларга қадоқланган ҳолда истеъмолчиларга сотилди. Бунинг эвазига қўшимча 50500 минг сўм даромад олинишига эришилди. Ўтган йилнинг 8 ойида 765,1 тонна пахта ёғи, 932 тонна шрот, 59 тонна хўжалик совуни экспорт қилинган бўлса, жорий йилнинг шу даврида четга сотилган пахта ёғи 2608 тоннани, шрот эса 2908 тоннани ташкил этди. Буларнинг ҳаммаси корхона тараққиётида янги фасл бошланганидан дарак беради.

Фермерлар кўнглига йўл топиб

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида Бухоро вилоятида ҳам зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этилди. 2005 йилда корхона билан 3502 та хўжалик юритувчи субъект (шундан — 3422 таси фермер, 49 таси ширкат, қолган 31 таси эса турли ёрдамчи хўжаликлар) ўзаро шартнома тузган бўлсалар, кейинги йили ана шундай ваколатга эга бўлган фақатгина фермер хўжаликларининг сони 7 мингтага етди. Шундай экан, уларнинг кўнглига йўл топиш зарур-да. Шу боис корхона томонидан ўтган йилнинг охирги чораги ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида фермерларга қулайлик яратиш мақсадида вилоятдаги 7 та туманда 24 та маҳсулот тарқатадиган шохобча ташкил этилди. Олдиндан тузилган махсус жадвал асосида ҳар бир фермер қайси ойда қанча миқдорда пахта ёғи, шрот ва шелуха олишидан хабардор қилинади. У тегишли тўловни амалга оширса, бас.

— Шу йилнинг биринчи ярмида белгиланган жадвал бўйича шохобчалар орқали фермерларга 1547,8 тонна пахта ёғи, 21 минг тонна шрот, 20 минг тонна шелуха етказиб берилди, — дейди жамият раисининг иқтисодий ишлар бўйича ўринбосари Абдувоҳид Ҳакимов. — Йил охиригача бу кўрсаткич янада ошади.



Ният холис бўлса

— Инсоннинг иззат-обрўси унинг атрофидагиларга нечоғли меҳр билан, мурувват билан ёндаша олиши билан ўлчанади, — дея суҳбатга қўшилади жамият кузатув кенгашининг раиси Зариф ака Шарипов. — Бу эса, биздан савобли ишларимиз кўламини янада кенгайтириб боришимизни тақозо этади. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да муҳтожларга, кўп болали, кам таъминланган оила вакилларига, қалби ўксик инсонларга кўпроқ ёрдамимиз, нафимиз тегаётганининг боиси шундан.

Буюк бобокалонимиз Ҳайдар Хоразмийнинг шундай сатрлари бор:

Ҳар на яхшилик
қилсанг юрт учун,
Ўзингдан орттир ўзгага
бермоқ учун.

Шундан келиб чиқиб, ҳозирга қадар корхонамиз томонидан кўрсатилган ҳомийлик ёрдами салмоғи 7321,6 минг сўмни ташкил этди.

«Ният хайр, оқибат хайр», деганларидек, бугун нафақат Когонда, балки бутун Бухоро вилоятида корхона марҳаматидан, савобли ишларидан баҳраманд бўлганларни, бўлаётганларни, қўли дуога очилаётган якка-ёлғизлару кўзи ожизларни номма-ном айтиб ўтиш қийин. «Дунёни яхшиликлар асрайди» деганлари шу эмасмикан, аслида?

Корхонадан қайтаётганимизда дарвоза олдида суҳбатлашиб турган икки нафар фермернинг сўзлари қулоққа чалинди.

— Корхона ишлари юришиб кетгани айни муддао бўлди-да. Маҳсулотларнинг сифатлилиғини айтмайсизми?! Юғур-юғурларсиз ҳамма ишимиз бирпасда битаяпти. Илойим, жамоа аҳли барака топсин! — дейишарди улар.

Бу дастурхонимиз тўкинлиги, юртимиз ободлиги йўлида тер тўкаётган корхона аҳли фаолиятига берилган баҳо эди, назаримизда.

Усмон НАВРЎЗ,
журналист.

JAPAN
Official Development Assistance

Let's study in Japan!
Келинглар, Японияда ўқиймиз !

JAPANESE GRANT AID FOR HUMAN RESOURCE DEVELOPMENT SCHOLARSHIP (JDS) PROGRAM (2007-2008)

Japanese Grant Aid for Human Resource Development Scholarship (JDS) was established by the Government of Uzbekistan with the assistance of the Government of Japan for the Japanese fiscal year of 1999-2000.

The objective of the JDS Project is to provide Uzbekistan nationals with opportunities for obtaining Master's degree at Japanese universities in order to support human resource development policy of the Government of Uzbekistan, and eventually to extend and strengthen the bilateral relationship between Uzbekistan and Japan.

The JDS Program targets young government officers for public sector, researchers, business people and others who intend to play leadership role in the socio-economic development of Uzbekistan after obtaining Master's degree within the designated period of study.

Under this Program, 20 fellows will be selected to study at Japanese universities for Master levels for the year 2007-2008.

1. DEGREE TO BE OBTAINED, FIELDS OF STUDY

(1) **Degree:** Master's degree (2-2.5 year courses)
(2) **Fields of Study and Accepting Universities:**
- Law : Nagoya University
- Public Administration : Kyushu University
- Economics : International University of Japan
- Business Administration : Waseda University
- Agriculture : Tokyo University of Agriculture and Technology
- Information and Communication Technology : Ritsumeikan University
- Education Administration : Hiroshima University
- Engineering : Toyohashi University of Technology

(3) **Language of Instruction:** English

2. QUALIFICATION REQUIREMENTS

(1) **Nationality:** Citizen of Uzbekistan
(2) **Age:** Between 22 and 34 years old (including) as of April 1st, 2007.
For the field of study "Engineering" and "Agriculture", between 22 and 39 years old (including) as of April 1st, 2007.
(3) **Work Experience (recorded in Workbook):**
For more than 2 years (as of September 19, 2006) after getting a Bachelor's degree. For the study field "Business Administration", for more than 3 years (as of September 19th, 2006) after getting a Bachelor's degree.
(4) **Academic Background**: Holder of a Bachelor's degree. And for the following universities, there are specific requirements:
(a) NagoyaUniversity in field of study "Law" : it is preferable to have basic knowledge of Laws and to hold a Bachelor's degree in Law.
(b) Kyushu University in field of study "Public Administration" : it is preferable to hold a Bachelor's degree in political sciences or equivalent of social sciences.
(c) Ritsumeikan University in field of study "Information and Communication Technology", it is preferable to have basic knowledge of ICT and to hold a Bachelor's degree in related field.
(5) **English proficiency level:** Minimum requirement must be either of following :
- IELTS score 6.0
- TOEFL PBT (Paper-based) score 530
- TOEFL CBT (Computer-based) score 197
- TOEFL iBT (Internet-based) score 71

* Applicant who submits a photocopy of the valid official certificate of the score higher than either of above minimum score, obtained after November 24th, 2005 will be exempted from English language examination during the selection stages.

(6) **Ineligibility:**
- Those who have already studied or are scheduled to study in a foreign country in order to obtain a degree of Bachelor or Master under any kind of scholarship program shall be ineligible for application.
- Military personnel registered on the active list or persons on alternative military service shall be ineligible for application.

(7) **Others:**
- Applicant must be in good mental and physical health.
- JDS fellow will be required to attend preparatory Japanese language training in Tashkent for about 2 months from April 2007 on full time basis prior to departure for Japan.
- The Government of Uzbekistan will ask the JDS fellow to sign and submit the "Statement of Obligations" (Contract) to follow the conditions deemed necessary as a scholarship fellow under the JDS project. If a fellow violates any article of his/her "Statement of Obligations" (Contract), the scholarship may be cancelled and other necessary steps will be taken. This "Statement of Obligations" (Contract) includes the article such as "Returned JDS fellow must remain in Uzbekistan and work at least for 2 years in the country."

3. APPLICATION PROCEDURES

➢ Applicant should submit the JDS Application Documents to JICE JDS Project Office.

➢ Application Form will be available at the places mentioned below. It will be available in Tashkent from September 19th, in other cities or provinces later on. Application Form can be downloaded from website http://www.jds.uz.

1. JICE JDS Project Office in Uzbekistan
- Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30
- 12A, U.Nasir St., Tashkent
2. Embassy of Japan in Uzbekistan
- Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 18:00
- 1-28, SadykAzimov St., Tashkent
3. JICA Uzbekistan Office
- Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
- 5th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
4. Uzbekistan-Japan Center for Human Development
- Mon. to Thurs., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30, Fri., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 20:00
- 6th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
5. Ministry of Higher and Secondary Specialized Education
- Mon. to Fri., 15:00 to 17:00
- 54-55, Babur St., Tashkent
6. Major academic institutions in Tashkent
7. Chamber of Commerce and Industry – 14, Mavaraunnakhr Street, Tashkent
8. Karakalpakstan Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 112A A. Temur St., Nukus
9. Andijan Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 122 A. Navoii Shokh St., Andijan
10. Bukhara Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 1A MustakillikSt., Bukhara
11. Djizzakh Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 63 Sh.Rashidov Shokh St., Djizzakh
12. Kashkadarya Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 3 MustakillikSt., Karshi
13. Navoi Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 33 Meymorlar St., Navoi
14. Namangan Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 7 U. Nosir St., Namangan
15. Samarkand Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 148 M. UlugbekSt., Samamrkand
16. Surkhandarya Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 1 F. Khodjaev St., Termez
17. Sirdarya Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 35 MustakillikSt., Gulistan
18. Tashkent Region Office of the Chamber of Commerce and Industry – 68 Lisunova - 4, Tashkent
19. Fergana Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 58 M. Kosimov St., Fergana
20. Khorezm Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 30 Al Khorazmiy St., Urgench
21. Ministry for Foreign Economic Relations, Investments and Trade (MFER) of the Republic of Karakalpakstan – 96 A, DustlikGuzari St., (Government House), Nukus
22. MFER of Andijan region - 126, A.Navoi St., Andijan
23. MFER of Bukhara region -1, Muminov St., Bukhara
24. MFER of Djizakh region – 63, S.Rashidov St., Djizak
25. MFER of Kashkadarya region – 2, MustakillikSt., Karshi
26. MFER of Namangan region – 3, B.MashrabaSt., Namangan
27. MFER of Navoi region – 77, Khalklar Dustligi St., Navoi
28. MFER of Samarkand region – 1, KukSaroi Sq., (Regional Khakimiyat building) Samarkand
29. MFER of Surkhandarya region – 1st floor, Khodjaev st., 7a, Termez
30. MFER of Sirdarya region – 1, Alleya Geroyev St., Gulistan
31. MFER of Fergana region – 53, Al Fargoniy St., Fergana
32. MFER of Khorezm region - 1, Gafur Gulyam St., Urgench
33. Business Communications Center (BCC) in Tasheknt – 4th floor, 16A, Shahrisabz St.
34. BCC Khiva– 1, Jamoat Markazi St.
35. BCC Fergana– 57, Tolstoy St.
36. BCC Djizakh – 52a, Tashkent St.

4. APPLICATION DEADLINE: November 24th , 2006, 17:00

Applications missing above deadline shall not be accepted.
Applications must be submitted by hand, courier or post ONLY to JICE JDS Project Office in Tashkent.
1) Hand delivery, courier : 12A, U.Nasir St., Tashkent (Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30).
2) Post : P.O. Box 345 (2, Amir Temur St., Tashkent, 700000, Uzbekistan (Central Post Office))

5. SELECTION PROCEDURES

1) **First Selection (Documents screening):**
- Submitted application forms will be examined and screened by professors of Japanese university.
2) **Second Selection:**
- English language examination IELTS will be implemented in Tashkent in January, 2007.
- Applicant will be required to take a basic mathematics examination as well in January, 2007.
3) **Third Selection (Technical interview):**
- Interview examination by professors of Japanese university will be implemented in Tashkent in February, 2007.
- Applicant must undergo the medical check-up at a designated hospital during this step.
4) **Final Selection (Comprehensive interview):**
- Comprehensive interview will be implemented in Tashkent in March, 2007.

6. INQUIRY

JICE JDS Office in Uzbekistan
Address: 12A, U.Nasir St., Tashkent
Telephone: (371)139-15-60/67 (Monday to Friday 9:30 to 12:30, 15:00 to 17:00)
E-mail : jice@jds.uz
Website : http://www.jds.uz

Спорт

Маълумки, спортда қўлга киритиладиган ютуқларнинг энг салмоқлиси Олимпиада ўйинлари ғолиблиги саналади. Олимпиада чемпионига собиқ сўзи қўшиб ишлатилмаслигини яхши биламиз. Қисқаси, Олимпиада ўйинларида ғолиб бўлиш дунёдаги барча мамлакатлар спортчиларининг орзуси.

ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ

«Mehrjon- Sport» республика хайрия жамоат фонди ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Яқинда жамоат фонди вакиллари яна бир хайрли ишга қўл уришди. Дастлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги бокс мактабларида машғулотларда қатнашаётган ёш спортчиларнинг тайёргарлик ҳолатлари ўрганиб чиқилди.

Шундан сўнг 1991-1993 йилларда туғилган ёшлар ўртасида бокс бўйича «Олимпиада умидлари» турнири ташкил этилди. Бу ташаббусни Миллий Олимпия қўмитаси ва республика бокс федерацияси қўллаб-қувватлади. Чунки турнирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад 2012 йилда бўладиган Олимпиада ўйинларида ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган ёш спортчиларни саралаб олиш ва улар маҳоратини шакллантириб боришдан иборат эди. Мусобақанинг минтақавий босқичларида муваффақиятли қатнашган 185 нафар боксчилар пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуасида бош соврин учун баҳс юритдилар. Турнирнинг тантанали очилиш маросимида Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Э. Қуттибоев, «Mehrjon- Sport» республика хайрия жамоат фонди ижрочи директори С. Жабборов, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А. Очилов ва бошқалар мусобақада қатнашаётган ёшлардан келажакда номдор спортчилар етишиб чиқишига умид билдирдилар. Мусобақада ёш боксчилар ўн олти вазн тоифасида рингга чиқдилар. «Mehrjon-Sport» вакили Умид Зоитов «Ғалабага бўлган ишончи учун», Тошкент вилоятидан келган Улуғбек Раҳимов «Энг яхши техника соҳиби» ва қорақалпоғистонлик Жамбул Қувватбоев «Турнирнинг энг яхши боксчиси» номинациялари ғолиби бўлдилар.

Чемпион масаласи кейинги турга қолдирилди

Футбол бўйича мамлакат XV миллий чемпионати ғолиби номи аниқланишига жуда оз фурсат қолди. Куни-кеча чемпионатнинг 27-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Унда пешқадам «Пахтакор» жамоаси «Трактор»ни қабул қилиб, ишончли (3:1) ғалабага эришди. Турнинг марказий ўйинларидан бири Қаршида «Насаф» ва «Нефтчи» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Чунки, шу ўйиндаги ғалаба иккинчи ўрин масаласига анча ойдинлик киритарди. Дуранг натижа қайд этилганда эса «Пахтакор» муддатидан олдин навбатдаги чемпионликни нишонларди. Учрашув кутилганидек муросасиз кечди. Унда (1:2) фарғоналик футболчилар зафар қучишди. Ушбу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Андижон» — «Тўпаланг» 3:1, «Сўғдиёна» — «Локомотив» 1:1, «Машъал» — «Шўртан» 2:0, «Қизилқум» — «Металлург» 5:0, «Хоразм» — «Самарқанд-Динамо» 0:4, «Бухоро» — «Навбаҳор» 2:1.

Ҳозирча турнир жадвалида 73 очко тўплаган «Пахтакор» жамоаси пешқадамлик қилмоқда. «Нефтчи» 64 очко билан иккинчи, «Насаф» 61 очко жамғариб учинчи ўринда бормоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖИНОЯТЛАР ЗАНЖИРИ

Чегара билмас офат

Ҳаёт ривожланиб, давлатлар тараққий топгани сайин турли глобал муаммолар пайдо бўляпти. Улар орасида бутун инсоният ҳаётига чуқур хавф солаётган иллатлардан бири — гиёҳвандлик. Одамларнинг ўз умрига зомин бўлиб, ёвузлик ва жиноятга қўл уриши, турли иллатларга берилиши ачинарли, албатта. Бугун "оммавий қирғин" номини олаётган гиёҳвандлик хуружи минглаб жиноятлар занжирини ясамоқда. Бу хатарнинг ҳали дунёга келмаган келажак авлодлар ҳаётига ҳам раҳна солиши ҳеч кимга сир эмас. Шу оғу таъсирига берилиб, ўзининг инсоний қиёфасини йўқотаётганлар буни билишармикин?!

Тараққиётга таҳдид

Маълумотларга қараганда, айни пайтда гиёҳванд моддалар учун сарфланадиган маблағ сайёрамиз аҳолисининг озиқ-овқат, турар-жой, кийим-кечак, таълим ва тиббий хизматга кетадиган пулидан кўпроқ экан. Бу ҳам етмагандек, у ОИТСнинг кенг ёйилишига сабаб бўлаётганлиги, терроризмнинг молиявий манбаига айланганлиги билан ҳам хавфлидир. Бу офат, айниқса, ёшларнинг ҳаётини барбод қилиши мумкин.

БМТ экспертлари томонидан аниқланишича, наркотикларнинг савдо айланмаси дунё бўйлаб 400 миллиард долларни ташкил этади. Бу жаҳондаги йиллик савдо-сотиқнинг 8 фоизи демакдир. Кейинги йилларда ушбу "саноат" автомобиль ва қора металл бозори билан рақобатлаша бошлаган. Сўнгги ўн йилликда жаҳонда 15 ва ундан катта ёшдагиларнинг 4,2 фоизини ташкил этувчи 180 миллионга яқин киши гиёҳванд моддалар истеъмол қилади. Уларни асосан каннабис (144 млн.), кокаин (14 млн.), афюн (13,5 млн.), героин (9 млн.) каби моддалар ўз домига тортмоқда.

Ҳаёт – ажал чангалида...

Хўш, башариятга шу қадар аёвсиз зарар етказаётган бу таҳдидга барҳам бериш нега бунчалар мушкул? Масаланинг энг нозик жиҳати шуки, гиёҳвандликка қарши курашда унинг олди-сотдиси билан шуғулланувчиларни йўқ қилибгина ғалаба қозониб бўлмайди. Чунки бу ерда яна бир тўсиқ, яъни ўз ҳаётини жаҳаннамга айлантирган гиёҳвандлар ҳам бор.

Мутахассисларнинг фикрича, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчиларда нафақат жисмоний, балки руҳий тобелик ҳам ҳукм суради. Гиёҳванд моддалар қабул қилиш киши организмига, хусусан асаб тизимига катта зиён етказади. Унинг таъсирига берилганлар томир орқали инсон ҳаёти учун энг хатарли касалликларни юқтириб олиш хавфи жуда юқори. Статистик маълумотларга кўра, аксарият ҳолларда бу йўлга кирганлар 6-8 ойдан 15-20 йилгача яшай олади, холос.

— Гиёҳванд моддаларнинг юрак, жигар, ошқозон ҳамда миядаги айрим асаб томирларига кескин таъсири кишида иммунитет фаоллигининг пасайиши ҳамда турли юқумли касалликларнинг авж олишига сабаб бўлади, – дейди Республика наркотик-реабилитация маркази бош шифокори Ғулом Бўрихўжаев. — Хоҳ гиёҳванд, хоҳ ичкиликка ружу қўйган одам бўлсин, қанча муддат мобайнида бу моддани истеъмол қилган бўлишидан қатъи назар, унинг ўзида ҳаётга қайтиш истаги бўлса, албатта, шифо топади.

Одатда гиёҳвандлар руҳий кўмакка жуда мухтож бўлишади. Республика реабилитация марказига олиб келинган гиёҳвандлар энг аввал руҳий текширувдан ўтказилади.

Иллатга барҳам бериш мумкинми?

Сўнгги бир неча ўн йилликда йирик миқдорда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқарувчи мамлакатлар сони анча камайди. Бунда асосан, 90-йилларда БМТ ва донор давлатлар кўмагида ўтказилган 15 йиллик муқобил ривожланиш дастурининг аҳамияти катта бўлди. Гиёҳванд моддаларни кўп миқдорда ишлаб чиқарган Таиланд, Перу, Боливия сингари мамлакатларда татбиқ этилган махсус дастурлар ёрдамида наркобизнес маконларининг кескин камайтирилишига эришилди.

БМТ маълумотларига кўра, 1992-93 йиллар билан 1999 йиллар оралиғида кўкнори етиштириш ва кокаин тайёрлаш 20 фоизга қисқарган. Ноқонуний гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланиш эса 17 фоизга камайди.

Юртимизда биргина 2005 йил мобайнида 1222 кг. оғу, 467 кг. героин йўли тўсилди. Бироқ 1995 йилдан бошлаб гиёҳвандлар сони қўшни давлатлардаги нотинчлик, чегараларнинг хавфли ҳудудга айланганлиги боис бирмунча ортди. Республика реабилитация марказида 2004 йилда 2460, 2005 йилда 2470 нафар гиёҳванд рўйхатдан ўтган. Афсуски, уларнинг 5-10 фоизини аёллар ҳам ташкил қилади. Уларнинг сонини камайтириш мақсадида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Марказ ва клиникаларда мукаммал шароитлар яратилиб, бу иллатга йўлиққанлар даволашда хорижий муолажа воситаларидан фойдаланилмоқда. Муолажага келганларнинг исми сир сақланиши, уларга қатор имтиёзлар берилиши ҳам гиёҳвандлар сонининг камайишига туртки бўлди.

Чегара билмайдиган иллат таъсирига тушганларни қутқариш, осойишта ҳаётга қайтариш учун кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, юртимизда ажал уруғини тарқатиб, фойда топадиган жиноятчиларга жуда кескин жазо чоралари муқаррар. Айни чоғда бутун диққат-эътибор гиёҳвандларни бу йўлдан қайтариш, маънавий мадад беришга қаратилиши ҳам бежиз эмас.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсоният тараққиётига таҳдид солиб, соғлом ҳаётни ажал чангалига ташлаётган гиёҳвандлик балоси бугун дунё мамлакатлари нигоҳида турибди. Жиноятлар занжири пайдо бўлмасданоқ олдини олиш ва хатарни бартараф этишда, аввало, оила, ота-она, маҳалла-кўй, жамият курашиши айни муддао.

Шоира БОЙМУРОДОВА.
"Халқ сўзи" мухбири.

18 ОКТЯБРЬ — САМАРҚАНД ТАРИХИДА УНУТИЛМАС КУН

Чунки 1996 йилнинг шу санасида муаззам шаҳар Амир Темур орденига сазовор бўлди, шу сана

«САМАРҚАНД КУНИ»

деб эълон қилинди.

Бу кўҳна Самарқанднинггина эмас, балки бутун миллатнинг, унинг улуғ аждодларининг шонли ўтмишига, бугунги саодатли кунларига берилган юксак баҳо эди.

Дунё нигоҳидаги қадимий Самарқандни, барча самарқандликларни бугунги қутлуғ кун, улуғ байрам билан муборакбод этамиз.

ГЎЗАЛ ШАҲРИМИЗНИНГ БУНДАН БУЁН ҲАМ ҲАР КУНИ БАЙРАМЛАРГА, БАҒРИ МЕҲМОНЛАРГА ТЎЛИҚ БЎЛСИН.



Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Самарқанд вилоят бошқармаси.

Обуна-2007

Ўзининг илк сонидан ҳурлик ва озодлик тарғиботчиси сифатида майдонга келган «Мулоқот» мустақилликни мустаҳкамлаш, умуммиллат ва Ватан манфаатлари йўлида собитқадамлик билан иш юритди.

«Мулоқот» мулоқотга чорлайди

Журнал ёшларни маънавиятга, меҳр-муҳаббатга, вафо ва садоқатга, эътиқодли бўлишга чорлаб келди. «Мулоқот» ана шу тарзда ижтимоий фикр майдонига айланди. Зеро, жамиятда яшаётган ҳар бир инсон, фикр билан яшайди, уни амалга оширишга интилади.

Халқимизнинг урф-одатлари, миллий анъана ва удумлари ёритилган мақолалар билан инсонпарвар жамият, ҳуқуқий мерос, маънавият ва мафкура, илм, эътиқод, маърифат ва камолот ҳақида баҳс-мунозаралар эълон қилинди.

Давримизнинг энг долзарб масалаларига дадил муносабат билдирибгина қолмай, журнал халқимиз тарихи, унинг бой маданий мероси ва анъаналарини кенг тарғиб қилди, юртдошларимизни миллий истиқлол мафкурасини ва миллий ғояни шакллантиришга катта ҳисса қўшди.

Шуниси диққатга сазоворки, журналда тарихчилар, адабиётшунослар, тилшунослар, иқтисодчилар, файласуфлар, адиблар, ноширлар, санъатшунослар, археологлар, ҳуқуқшунослар, шарқшунослар ва техника фанларининг вакиллари фаол қатнашиб келадилар. «Мулоқот»да нафақат олимлар ва мутахассислар, айни пайтда оддий замондошларимиз ва мактаб ўқувчиси ҳам ўз фикрини, юрак сўзларини изҳор этиши мумкин.

2007 йил учун «Мулоқот»га обуна давом этмоқда. Журнал ҳар бир хонадонга фойдали ўгитлар, ҳаётий зарур одоб-ахлоқ дурдоналари билан биргаликда комилликка элтувчи маърифат ҳам олиб кирмоқда.

Обуна республикамизнинг барча почта бўлимларида қабул қилинмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз — 844.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ.

Қайта таъмирланди

Қўшхабар

Бухоро шаҳридаги «Афросиёб» марказий магистраль йўлида олиб борилаётган қайта таъмирлаш ишлари якунланди.

Таъмирлаш ишлари давомида йўл кенгайтирилиб, йўловчилар учун махсус йўлаклар қурлари. Буларнинг барчаси трассадаги автомобиллар қатновини, шунингдек, туман ҳудудидаги «Самони» деҳқон бозори атрофидаги транспорт ҳаракатини тартибга келтирди.

Тошкент Давлат шарқшунослик институтига умумий миқдори 87 минг 343 АҚШ доллари бўлган замонавий ускуналардан иборат грант топширилди.

Институтга Япония гранти

«Тошкент Давлат шарқшунослик институтида японшунослик ва япон тилини ўргатишни яхшилаш» лойиҳаси доирасида ажратилган мазкур маблағ илм даргоҳининг ўқув базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

«Туркистон-пресс» мухбири И.Эгамқулованинг хабар беришича,маросимда Японияниг юртимиздаги муваққат вакили Кимура Есиюки, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари А.Мараҳимов ва институт ректори Р.Абдуллаевлар сўзга чиқиб, мамлакатларимиз олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқалар йил сайин кенгайиб бораётганини таъкидладилар.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали катта муҳаррири Ҳулкар Ҳамроевага укаси

Фарҳод ҲАМРОЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей жамоаси ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Қутайба Абдураҳимович ТОХРИнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.10 23456